ISSN 2010-720X

# ILIM HA'M JA'MIYET




# FAN VA JAMIYAT

2015 (№3)

O’ZBEKISTAN RESPUBLIKASI’ XALI’Q
BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI

A’JINIYAZ ATI’NDAG’I’ NO’KIS MA’MLEKETLIK
PEDAGOGIKALI’Q INSTITUTI’

# ILIM ha’m JA’MIYET

**Ilimiy-metodikali’q jurnal**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

# FAN va JAMIYAT

**Ilmiy-uslubiy jurnali**

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

# НАУКА и ОБЩЕСТВО

**Научно-методический журнал**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

# SCIENCE and SOCIETY

**Scientific-methodical journal**

**№3**

**2015**

**Sho'lkemlestiriwshi: A'jiniyaz ati'ndag'i' No'kis ma'mleketlik pedagogikali'q instituti'**

**Redkollegiya basli'g'i': B.Prenov - NMPI rektori'**
**Bas redaktor: K.Allambergenov - filologiya ilimlerinin' doktori', professor**

## REDKOLLEGIYA AG'ZALARI'

**Abdinazimov Sh.** — Filologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Abdullaeva Ya.** — Tariyx ilimlerinin' doktori'
**Allamuratov B.** — Biologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Alewov U.** — Pedagogika ilimlerinin' doktori', professor
**Ayi'mbetov M.** — Filologiya ilimlerinin' doktori'
**Ayi'mbetov N.** — Ekonomika ilimlerinin' doktori', professor
**Bazarbaev J.** — Filosofiya ilimlerinin' doktori', O'zRIA akademigi
**Xujaniyazov Ye.** — Filologiya ilimlerinin' kandidati', docent
**Ismaylov Q.** — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori', professor
**Jalelov M.** — Fizika-matematika ilimlerinin' kandidati'
**Jumanov M.** — Biologiya ilimlerinin' kandidati', docent
**Jumamuratov A.** — Awi'l xojali'g'i' ilimlerinin' doktori'
**Kamalov A.** — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori'
**Qayi'pbergenov B.** — Texnika ilimlerinin' doktori'
**Qodirov Q.** — Filologiya ilimlerinin' kandidati', docent
**Qochanov B.** — Tariyx ilimlerinin' doktori', professor
**Qudaybergenov K.** — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori'
**Qudaybergenov M.** — Filologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Quramboev K.** — Filologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Mambetullaev M.** — Tariyx ilimlerinin' doktori'
**Mambetullaeva S.** — Biologiya ilimlerinin' doktori'
**Matchanov A.** — Biologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Matchanov S.** — Pedagogika ilimlerinin' doktori', professor
**Pazi'lov A.** — Pedagogika ilimlerinin' kandidati', docent
**Paxratdinov A'.** — Filologiya ilimlerinin' doktori', professor
**Sari'baev M.** — Tariyx ilimlerinin' doktori'
**Tagaev M.** — Texnika ilimlerinin' doktori'
**Umarov Ye.** — Geografiya ilimlerinin' doktori'
**Yavidov B.** — Fizika-matematika ilimlerinin' doktori'

**Juwapli' xatker: D.Dogarova**

**Korrekturani' qarap shi'qqan: Z.Xodjekeeva**
**Kompyuterde baspag'a tayarlag'an: N.Allamuratova**

**Na'wbetshi redaktor: B.Qurbanbaeva**
**Texnikali'q redaktor: f.i.k. Q.Ma'mbetov**

***Qaraqalpaqstan Respublikasi' Baspaso'z ha'm xabar agentligi ta'repinen dizimge ali'ni'p, 2007-ji'l 14-fevralda 01-043-sanli' guwali'q berilgen.***

***O'zbekistan Respublikasi' Joqari' Attestaciya Komissiyasi' kollegiyasi'ni'n' 2013-ji'l 30-dekabrdegi 201/3-sanli' qarari' menen filologiya (qaraqalpaq tili, qaraqalpaq a'debiyati'), pedagogika ha'm psixologiya pa'nleri boyi'nsha ilim doktori' da'rejesin ali'w ushi'n maqalalar ja'riyalani'wi' tiyis bolg'an ilimiy jurnallar dizimine kirgizilgen.***

- мийнет етиўге мүнәсибети-сабырлылық, мийнет сүйгишлик, тежемлилик;

- еркли сыпатлар-шыдаў, ерлик, өзин-өзи басқарыў, шаққанлық; мораллық әдеп-икрамлылық қатнаслар-мақтаныш, мухаббат, дәртлеслик;

- жәмийетлик белсендилик әдеп-икрамлылық-эстетикалық сыпатлар менен байланыслы сыпатлар-қаҳарманлық, турмыслық позиция, баслама, критика ҳәм өзин-өзи критикалаў, турмыс тәризи, мәртлик, ҳәрекетшеңлик. басламашылық- үлги, өз бетинше ҳәрекет ҳәм дөретиўшилик, пидайылық, жарыс, жаңалық сезими;

- коммуникатив шеңбер менен байланыслы сыпатлар өз-ара жәрдем, адамгершилик, исеним, сөз бенен истиң бирлиги, идеал, идеаллық, интернационализм, коллективизм, оптимизм, принципиаллық, саналылық, тилеклеслик, шыдамлылық, талапшаңлық, исенимлилик, ҳүрмет, инсанийлық; өспиримлердиң өзин тәрбиялаў ҳәм раўажландырыў мүмкиншиликлери ҳаққындағы ойлар;

- программаластырыў өзиниң шахсын раўажландырыў;

- өзин-өзи айдынластырыў-оқыўшылар өзиниң жеке адам мүмкиншиликлерин анықлаўы ҳәм раўажландырыўы;

- жәмийетлесиўи-үлкен жастағы өспиримлерди ис-ҳәрекет жәрдеминде турмыслық тәжрийбеге тартыў [4:98].

*Оқытыўшыға улыўма методикалық еслетпе:*

- турақлы түрде оқыўшыларға заманагөй әдеп-икрамлылық-эстетикалық көринистеги жеке адамның жәмийетлик әҳмийетин еслетип барыў; бунда инсан қәдириятына дыққат аўдарыў;

- әдеп-икрамлылық-эстетикалық тәрбияның, оның баслы бағдарының мақсет ҳәм ўазыйпаларын анық белгилеў; нәтийжелерди болжаў, оқыўшыларды олар менен таныстырыў;

- төмендегилерди кең қолланыў: үлкен әдеп-икрамлылық потенциалдың реал-турмыслық ҳәм көркем-билиў материалларын; ҳақыйқый турмыстағы бақлаўларды; фольклор, әдебият-поэзияны, классикалық әдебиятты, көркем өнерди, әсиресе, сүўретлеў өнерин, бәринен бурын, портрет жанрын; жоқары әдеп-икрамлылық-эстетикалық потенциал сабақларының конкрет-предметлик мазмунын қолланыў;

- сабақлардың, тапсырманың, ўазыйпа темаларын көрип шығыў, оларды оқыўшылардың интеллектуал-дөретиўшилик белсендилиги тийкарында инновациялық-дөретиўшилик тәризинде қурыў;

- инсанның руўхый гөззаллығын ҳәм жоқары әдеп-икрамлылығын көрсететуғын әдеп-икрамлылық-эстетикалық, адамгершилик-эстетикалық сыпатларына ҳәм уқыпларына айрықша дыққат аўдарыў;

- адамлардың өз-ара қарым-қатнасында, минез-қулқындағы этикалық ҳәм эстетикалық факторларды қарап шығыў, бунда әжайып, қайыр-сақаўатлылық ҳәм образсызлық, жаўызлық категорияларын додалаў;

- фольклорлық, әдебий, көркем шығармалар жәрдеминде, олардың әдеп-икрамлылық-эстетикалық потенциалын қолланыў арқалы үлкен жастағы өспиримлердиң әдеп-икрамлылық-эстетикалық ҳәм мораллық-этикалық санасезимине дыққат аўдарыў;

- өспиримлердиң өзин-өзи билиў, раўажландырыў, тәрбиялаў, жетилистириў курслары, шахстың қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы, буның ушын оптимал педагогикалық шаралар жаратыў;

- өспиримлердиң әдеп-икрамлылық-эстетикалық мазмундағы интеллектуал-дөретиўшилик «өнимлерин» жаратыўға, олардың қарым-қатнасты социаллық-коммуникатив дәрежеде әмелге асырыўына, өзин оқытыўға ҳәм тәрбиялаўға, шахс сыпатында жетилисиўине умтылысларын қоллап-қуўатлаў ҳәм хошаметлеў.

*Оқытыўшы төмендегилерди есинде сақлаўы керек:* Өспиримлер өзин-өзи билиў, сезиў ҳалатында, әдеп-икрамлылық-эстетикалық билиў ҳәм пикирлеўдиң раўажланыў процесинде болады. Оларды тек сыртқы форма ғана емес, ал социаллық толысыў да, инсан көринисиниң әдеп-икрамлылық-эстетикалық қабыл етилиўи (унаған сыпатлары менен) де қызықтырады. Инсан – органикалық, руўхый-эстетикалық, физикалық-эстетикалық ҳәм көркем мағаналы мазмуны менен ажыралмас бирликке ийе. Бул бирлик жеке адамның ҳәр тәреплеме раўажланыўы нәтийжесинде толық сәўлеленеди. Солай екен, жоқары әдеп-икрамлылық, эстетикалық ҳәм турмыслық позиция-өспиримлердиң миллий қәдириятларымызға бағдарланыўының мақсетли, мазмунлы, әжайып-гормониялық раўажланыўы ҳәм қәлиплесиўиниң факторы болып қалыўы тийис.


**Әдебиятлар**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: «Шарқ», 1997.
2. Куронов М. Ўзбекистон умумтаълим ўрта мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. -Тошкент: 1998.
3. Андриянова В. И. Базовый критерий современной личности. – В уч. мет. пособии «Формирование интеллектуального, духовно-нравственного потенциала учащихся общеобразовательной школы Республики Узбекистан на современном этапе». -Ташкент: 2005.
4. Аннамуратова С.К. Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. -Ташкент: «Фан», 1991.
5. Асаматдинова Ж. Мектеп оқыўшыларына руўхый-эстетикалық тәрбия бериў жоллары. -Нөкис: ҚМУ, -2013.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўспирин ёшларни синфдан ташқари дарслар жараёнида тарбиялашнинг методлари ва методологиясига янгича ёндашув ҳақида сўз юритилиб, ўсмирларни ахлоқий ва эстетик рухда тарбиялашнинг самарадорлигига эришишнинг методик аспектлари ва кўрсатмалари берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются вопросы использования инновационных методов и приёмов нравственно-эстетического воспитания учащихся, приводятся конкретные рекомендации по их применению при усвоении тем «Познай себя - стань личностью». Автор статьи даёт общеметодическую памятку учителю по формированию нравственно-эстетического облика современника с акцентом на важность ценностной ориентации личности.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of using of innovative methods of moral aesthetic education of learners and, concrete recommendations about their application on the theme «Learn a Person – become a personality». The author gives the general methodical instruction to the teacher in formation of moral aesthetic image of the contemporary person with emphasis on importance of valuable orientation of the personality.


# ЎЗБЕК ТИЛИДАН ДАРСДАН ТАШҚАРИ МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУНИ ВА ЛИНГВОПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ


**Г.А.Асилова** – *педагогика фанлари номзоди, доцент*

*ЎзР ДБҚ Олий ҳарбий божхона институти*



**Таянч сўзлар:** давлат тили таълими, таълим ва тарбия уйғунлиги, дарсдан ташқари ишлар, мустақил таълим.

**Ключевые слова:** обучение государственному языку, единство обучения и воспитания, внеаудиторная работа, самостоятельная работа.

**Key words:** teaching the state language, unity of teaching and education, extracurricular work, independent work.


Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар мамлакатимиз таълим муассасаларида юқори малакали, юксак салоҳиятли, касбий лаёқатга эга мутахассисларни тайёрлашда илғор педагогик технологияларни қўллашни тақозо қилади. Талабаларни касбга йўналтиришда ўқитишнинг турли шакллари ҳамда усулларидан фойдаланиш, жумладан, уларнинг мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш ва касбий кўникмаларини ҳосил қилиш таълимнинг долзарб йўналишларидан бўлиб келмоқда. Бу ўринда таниқли педагог олим Ж.Ғ.Йўлдошевнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ақлий фаолиятини ва ички имко - ниятларини тўла ишга солишдан иборат. Уларни шахс сифатида шакллантириш ва ривожлантириш мустақил таълим олиш ҳамда ўз-ўзини бошқара олишга қаратилган замонавий дарслар ташкил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда" [1:75].

Мустақил таълимга ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб алоҳида эътибор қаратилгандек туюлса-да, дунё педагогикаси тарихида мустақил ишларни ташкил қилиш муаммолари бир неча асрдан буён ўрганиб келинмоқда. Тарихчи олимлар қадимги юнон файласуфлари Аристоксен, Арасту, Архит, Суқрот, Афлотунларнинг асарларида таълим олувчиларнинг янги билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишида билиш фаолияти ҳамда мустақил фикрлашни ривожлантиришнинг зарурлиги таъкидланади [2:68].

Тадқиқотчи О.Қўйсинов мустақил таълимга берилган кўплаб таърифларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келади: "Мустақил таълим – ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқларни, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир" [3:32]. Ушбу тавсиф мустақил таълимнинг замонавий педагогикада мустаҳкам ўрин эгаллаганлигидан далолат беради.

Бугунги кун мутахассисига юқори талаблар қўйилмоқда. Талабаларнинг давлат тилини мукаммал ўрганишлари уларнинг келажакдаги касбий фаолиятида зарур бўлган лаёқатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тилни ўрганишнинг самараси кўп ҳолларда талабанинг мотивацияси, ўз олдига қўйган мақсади ҳамда қизиқиши каби омиллар таъсирида бўлган ақлий иш қобилияти билан белгиланади. Ушбу омиллар билиш фаолиятини мароқли, қизиқарли ва сермазмун қилади, материални ўзлаштириш тезлиги ва ҳажмини оширади, ўқув юкламасини енгиллаштиради. Шунинг учун тилни ўрганишда талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашадиган восита - ларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бундай восита-лардан бири дарсдан ташқари ишлардир.

Дарсдан ташқари ишлар кўлами мустақил ишларга нисбатан кенгроқ бўлиб, мустақил ишлар дарсдан ташқари ишлар доирасига киради, мустақил таълимда эса талабаларнинг ўқитувчи томонидан ташкил этилган ҳар қандай таълимий фаолиятида ўз аксини топади. Педагог олим А.К.Бушлянинг "мустақил ишлар кўпгина ҳолларда мустақил таълим даражасига ета олмаслиги мумкин" деган сўзлари ушбу фикрни тасдиқлайди [4:43].

Дарсдан ташқари ишлар талабаларнинг таълим муассасаси доирасидаги, бевосита ўқув режалари билан боғлиқ бўлмаган, шу билан бирга уларнинг касбий лаёқатини шакллантирадиган, шахсий сифатларини ривожлантирадиган, касбий билимларини кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган фаолият турини англатади. Бу фаолият талабаларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиб уларга махсус билимлар бериш, малака ва кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг иқтидори, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Олий таълим муассасаларида дарсдан ташқари ишларни режалаштириш ва амалга оширишга ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларидагига нисбатан бир қадар камроқ эътибор берилиши маълум. Бунинг бир қатор сабаблари бўлиб, улардан бири талабаларнинг мактаб, лицей ҳамда коллеж ўқувчиларига нисбатан бўш вақтлари камроқ бўлиши, ўқув юкламаси эса, аксинча, анча кўп вақт талаб қилишида эканлиги маълум. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг аксарият ҳолларда дарсдан ташқари вақтда талабалар билан алоҳида ишлашни режалаштирмасликларини, улар билан мулоқотни асосан мураббийлик соатларида амалга оширишларини афсус билан эътироф этиш жоиз.

Хусусан, рус гуруҳлари талабаларига давлат тилини ўқитишда ўқув режасида белгиланган аудитория соатлари билан кифояланиб қолмасдан, дарсдан ташқари ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ зарурлигини амалиёт кўрсатмоқда. Бу талабаларнинг ихтисосий нутқини ўстириш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш билан бирга, уларга миллий қадриятларимиз, миллий маънавиятимиз билан яқиндан танишиш ва уларни ўзлаштиришга имкон беради. Дарсдан ташқари муло - қотнинг бир қадар ўзгача шароитларда амалга оширилиши тил ўрганиш жараёнига ижобий таъсир қилади. Методист Г.Мухамеджанова таъкидлаб айтганидек, "нутқ мала - касининг шаклланиши эркин, мажбуриятлардан холи, ўзаро суҳбат, эркин мулоқот ва мунозара, қизиқиб тинглаш, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришни назарда тутиб, айни шундай вазиятларни юзага келтирадиган тадбирлар чоғида унинг самарали бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин" [5:5].

Маълумки, рус гуруҳларида ўзбек тили таълимида ўқитувчининг олдида турадиган муаммолардан бири талабаларнинг фанга оид билим, малака ҳамда кўникмалари даражаси турлича эканлигидадир. Бу таълим усулларини, технологияларини, дарс материалларини гуруҳларга қараб мослаштиришни талаб қилади. Бундан ташқари, тала - баларнинг давлат тилини ўрганишга нисбатан мотивацияси ҳам турлича эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Турли олий таълим муассасаларининг рус гуруҳлари талабалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари уларнинг аксарияти ўзбек тилини ўрганиш давлат тилидаги ҳужжат - ларни тушуниш учун, келажакда касбий соҳада фаолият юритиб, муваффақиятга эришиш учун зарур, деб билишларини кўрсатди. Шу билан бирга, сўровномада рус гуруҳларининг 75 % га яқин талабалари дарсдан ташқари вақтларда курсдошлари, дўстлари, танишлари билан рус тилида мулоқот қилишларини қайд этганлар. Бу уларнинг давлат тилидаги оғзаки ва айниқса ёзма мулоқот билан асосан ўзбек тили дарсларида шуғулланишларидан далолат беради.

Рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилидаги саводхонлиги, хусусан, нутқ услубларига оид билимлари талаб даражасида эмаслиги мазкур йўналишда иш олиб бориш учун фақат аудитория машғулотларининг ўзи етарли бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, ўзбек тилида эркин сўзлашадиган, бироқ ёзма саводхонлик даражаси паст бўлган талабаларга ҳам алоҳида эътибор талаб қилинади, чунки уларнинг аксарияти ёзма нутқларини ўстириш зарурияти ҳис қилмайдилар. Буларнинг барчаси талабаларнинг давлат тилини ўрганишга бўлган мотивациясини кучайтириш кераклигини, бунинг учун дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар ҳамда мустақил ишлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Бу ўринда иккинчи ёки хорижий тил балоғат ёшидаги шахсни мақсадли равишда мулоқот маданиятига ўргатадиган, олий таълим муассасасидаги ягона ўқув фани эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўқитувчининг дарсдан ташқари фаолияти аслида дарс машғулотлари ўтказилган биринчи кунлардан бошланади. Бу ўринда дарс жадвалидаги машғулотлар сингари, дарсдан ташқари ишлар ҳам ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисми эканлигини унутмаслик лозим. Педагог буни чуқур англагандагина, дарсдан ташқари тадбирларнинг аҳамияти, уларни ташкил қилиш ва режалаштириш, ўтказиш методикаси, аудитория ва аудиториядан ташқари ишларнинг ўзаро таъсири ҳамда ўзаро нисбатини тўғри тушуна олади. Дарсдан ташқари фаолият ҳам тизимли ва мунтазам бўлиши, бошқа фаолият турлари каби тегишли тарзда режалаштирилиши ва ташкиллаштирилиши зарур.

Шу билан бирга, дарсдан ташқари ишлар жараёнида бир қатор психологик жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш керак. Аудитория ўқитувчининг ҳам, талабаларнинг ҳам нутқини, хатти-ҳаракатини, ўзини тутишини ва ҳатто ташқи кўринишини маълум бир чегарага солиб қўйиши табиий. Талабалар билан норасмий мулоқот чоғида эса ўқитувчининг ўзини қандай тутиши уларга тарбиявий таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Дарсдан ташқари ишларни амалга ошириш жараёнида ўқитувчининг ва талабаларнинг шахсий сифатлари, феъл-атвори ҳамда хусусиятлари ёрқинроқ намоён бўлади. Бу, авваламбор, ўқитувчидан ўзининг хатти-ҳаракатларини жиддий назорат қилишни талаб қилади. Ушбу ҳолатда педагог ўзи ва талабаларнинг ижобий фазилатларидан фойдаланиши, салбий хислатларни эса, аксинча, яширишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, ўзбек тили ўқитувчиси деганда талабалар тасаввурида ўзида ўзбек маданияти, шарқона одоб-ахлоқ, муомала, классик ва замонавий адабиётга оид чуқур билимлар каби кўплаб хислатларни мужассам қилган устоз сиймоси гавдаланиши керак, деб ўйлаймиз. Олий таълим муассасаларида олиб борган кузатишларимиз уларда шундай хислатларга эга бўлган кўплаб ўқитувчилар фаолият юритаётганини кўрсатди.

Бугунги талабаларнинг аксариятини ўзига хос феъл-атвор, дунёқараш, қизиқишларга эга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатини билдира оладиган, мустақил шахс сифатида шаклланган ёшлар ташкил қилади. Буни ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртида ҳар бир талабанинг бўлажак касбга оид компетенциялари

шаклланиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бериш лозим. Замонавий ўқувчи-талабаларни мажбурлаш эмас, жалб қила олиш; бирор фаолият билан шуғулланишга ундаш эмас, қизиқтира билиш таълим ва тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

Дарсдан ташқари ишлар индивидуал равишда ва гуруҳ миқёсида амалга оширилиб, дарс жадвали бўйича ўтказиладиган машғулотлар билан чамбарчас боғлиқ ва уларнинг давоми ҳисобланади. Бу ерда талабаларнинг ўқув материали билан мустақил ишлашлари муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчининг мустақил ишни моҳирлик билан ташкил қилиши, унинг сифатини режа бўйича ўтказиладиган машғулотларда назорат қилиб бориши ва фанни ўзлаштиришга қийналаётган талабаларга материални мустақил ўзлаштиришга дарсдан ташқари вақтда фаол кўмаклашиши талабаларнинг фанга қизиқишини орттиради. Н.Убайдуллаева мустақил ижодий ишларнинг моҳиятини таҳлил қилар экан, муайян мақсадга йўналтирилганликни мустақил ишларни бажаришда бош омил сифатида кўрсатади: "Талабалар мустақил иш сифатида топширилган вазифаларни онгли қабул қилиб, топшириқни бажариш ўзи учун кераклигини ҳис қилганларидагина самарали натижа беради. Бунинг учун талабаларда ирода, қатъийлик, мақсадга интилиш каби хислатларни тарбиялаш керак" [6:17].

Демак, дарсдан ташқари фаолиятга иккинчи даражали иш деб қараш унинг энг муҳим томони – талабанинг шахсини очиб берувчи жиҳатидан фойдаланмасликка, яъни таълим сифатини оширишнинг энг самарали воситаларидан бирини қўллай олмасликка олиб келади. Шу сабабли, ўқитувчи дарсдан ташқари фаолиятдан кўз юмар экан, талабаларга таъсир ўтказишнинг қудратли воситасидан маҳрум бўлади.

Аудитория ва аудиториядан ташқари ишларнинг нисбати ўқитилаётган материалнинг хусусиятларига, талабаларнинг тайёргарлиги ва мотивацияси даражасига қараб тўғри тақсимланиши лозим. Одатда, таълимнинг илк даврларида ўқитувчилар аудиториядан ташқари ишларга кўп вақт ажратадилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ўқув материалини ўзлаштириш, сифатини кўтаришга, ўқув адабиётларини ўрганишда материални мустақил ўзлаштириш малака ҳамда кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади.

Юқори курсларда аудиториядан ташқари ишлар ўзгача хусусиятга эга бўлади. Асосий эътибор нафақат ўқув дастуридаги материални чуқур ўзлаштиришга, шу билан бирга дастур доирасидан ташқарига чиқадиган билимларни эгаллаш, мустақил фикрлашни ривожлантириш, танқидий таҳлил кўникмаларини, илмий адабиётлар билан ишлаш малакаларини ҳосил қилишга қаратилади. Айтиш жоизки, аудиториядан ташқари ишларга кам эътибор ҳам, ҳаддан ташқари кўп эътибор ҳам бирдек зарарлидир. Фаолият турлари орасидаги мувозанатни сақлашда талабалар билан суҳбатлар, мажлислар, сўровномалар ўтказиш жараёнида улардан олинган фикрлардан хулоса чиқариш самара беради. Шунинг учун ўқитувчи мунтазам равишда таълим олаётганларнинг таклиф ва талабларини ўрганиши, уларни таҳлил қилиши ва ўзи учун тегишли хулосалар чиқариши муҳим.

Шу тариқа, педагогик тажрибаси ортган сари ўқитувчи дарсдан ташқари тадбирлар таълимни индивидуаллаштириш ва самарасини ошириш, айниқса талабаларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг кучли воситаси эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Таълим жараёни тадқиқотчилари томонидан таълим олувчининг мотивацияси ва ўқитувчининг касбий лаёқати бирдек муҳим эканлиги таъкидланади: "Таълим жараёни уч муҳим компонентлардан ташкил топади: ўқитувчи ва унинг маҳорати, ўқувчи ва унинг интилиши, ўзлаштирилиши таъминланиши керак бўлган ўқув фани" [7:464]. Демак, ўқитиш жараёнининг психологик-педагогик таҳлилида ушбу уч асосий компонентга асосий эътиборни қаратмоқ лозим.

**Адабиётлар**

1. Yo'ldashev J. Mustaqil ta'lim olish va o'z-o'zini boshqarishda innovatsion yondashuvning o'rni // Xalq ta'limi. 2015. №2. 74-77 -b.
2. Гордеев М.Н. Самостоятельная работа в истории педагогической мысли // Педагогическое образование в России. – 2014. – №10. – С. 68-71.
3. Қуйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент: 2008.
4. Бушля А.К. О самообразовании // Советская педагогика. 1979. №2. – С. 43-45.
5. Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синфлар мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент: 2003.
6. Ubaydullayeva N. Talabaning mustaqil ijodiy ishi: uni samarali tashkil etish yo'llari qanday?// Til va adabiyot ta'limi. 2012. №5. 15-17-b.
7. Френч Ф. Преподавание английского языка за рубежом/Методика преподавания иностранных языков за рубежом. – Москва: «Прогресс», 1967.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада олий таълим муассасаларининг рус гуруҳларида давлат тили таълими жараёнида дарсдан ташқари ишларни олиб боришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.Унда талабаларни дарсдан ташқари мустақил ишлар воситасида касбга йўналтириш усуллари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль внеаудиторной работы в обучении государственному языку в русскоязычных группах высших учебных заведений. Освещаются методы профессионального ориентирования студентов посредством внеаудиторной самостоятельной работы.

**SUMMARY**

The article deals wint the role of extracurricular work in teaching the state language in Russian-speaking groups at higher educational establishments. The author also studies the methods of the professional orientation of students through extracurricular independent work.

## ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАКТАБЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**М.З Айтымбетов** - *катта ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар**: умумий ўрта таълим мактаблари тарихи, ривожланиши, илмий тарихий ва педагогик адабиётлар, мустақиллик йилларига қадар ва ҳозирги даврдаги илмий тадқиқотлар, илмий умумлашмалар ва хулосалар таҳлили.

**Ключевые слова:** история общеобразовательных школ, развитие, научная, историческая и педагогическая литература, научные работы до периода независимости и настоящего времени, научные обобщения, анализы результатов.

**Key words:** the history of general secondary educational schools, development, scientific historical and pedagogical literature, scientific research at the present time and till the period of Independence, scientific conclusion, analysis of the results.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни олдинги давлат тизимидан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга миллий малакали кадрлар тайёрлаш масалалари таълим соҳасининг асосий мақсади сифатида қаралиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун миллий таълим тизимини яратиш зарур бўлди. Ана шу ижтимоий мақсадни амалга оширишда таълим-тарбия жараёни мазмунини янгилашга, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, умумий ўрта таълим соҳасида изчил

# M A Z M U N I'

## BAS MAQALA

**Ga'rezsizligimizge-24 ji'l**

**Базарбаев Ж.Б.** Тәкирарланбас тарийхый табыс ........ 3

**TA'LIMNIN' TEORIYALI'Q TIYKARLARI'**

**Ja'miyetlik ilimler**

**Абаев С., Якубов М.** Мәҳәлле – пухаралардың өзин-өзи басқарыў институты ........ 5
**Алламбергенов А.** Мақсетимиз - мәнаўий жетик, кәсиплик мәдениятлы жасларды тәрбиялаў........ 6
**Мамбетуллаев М.М, Примбетов К.** Культурное наследие и археология ........ 8
**Наимов К.** Историография истории национальной государственности Каракалпакстана (1924-2004 гг.)........ 10

**Ta'biyiy ha'm texnikalı'q ilimler**

**Алламуратов Б., Найыпова Ж., Алламуратова З.** Динамика заражения паразитическими простейшими личинок карпа в прудхозе «Хорезм» ........ 11
**Камалов А.Б., Аширбекова С.У., Худайбергенов А.К.** Радиационные эффекты в барьерных контактах Au-Pt-n-n$^+$-GaAs, стимулированные сверхвысокочастотным облучением ........ 12
**Каипов Б., Ибрагимов Б.** Әлем ҳәм оның пайда болыўы ҳаққында болжаўлар ........ 13
**Тойлибаев С., Қутлымуратов М.**А Түслик Арал бойларында экологиялық факторлардың инсан организминиң функциональлық системасына тәсири ........ 15

**Til bilimi ha'm a'debiyattanı'w**

**Алламбергенов К., Алламбергенова Г.К.** Қарақалпақ халық дәстаны «Едиге» (генезиси, жанрлық белгилери, миллий версиялар типологиясы ҳәм поэтикасы мәселелериниң узақ-жақын сырт еллерде үйренилиўи тарийхынан) ........ 16
**Базарбаев Ж.** Әжинияз мийрасы-өзликти аңлаў дәреги ........ 21
**Дильманов И.О, Тен М., Абдуллаева М.** О некоторых вопросах перевода «Кырк кыз» на казахский язык ........ 23
**Дўсматов Ҳ.** Аския (пайров) ва унинг матний хусусиятлари ........ 24
**Карибаева А., Қуттымуратова Ы.** Төлеген Айбергенов қосықларындағы гейпара жергиликли тил өзгешеликлери..... 27
**Казахбаев С.** XX әсирдиң ақыры XXI әсирдиң басындағы қарақалпақ балалар әдебиятының жанрлық өзгешелиги....... 28
**Мамбетов Қ.** Поэманың формалық ҳәм жанрлық сыпаты ҳаққында ........ 30
**Пазылов А., Хожамуратова Н.** М.Нызанов шығармаларында балалар психологиясының сәўлелениўи ........ 33
**Рзаева Р.К, Ешимбетова Н.М.** Сравнительно-сопоставительное изучение концепта «Родина/Ўатан» в художественном переводе (на материале поэтических произведений И.Юсупова) ........ 34

**BILIMLENDIRIW, ILIM HA'M INNOVACIYA**

**Асаматдинова Ж.** Өспиримлик жасындағы оқыўшыларды әдеп-икрамлылық ҳәм эстетикалық жақтан тәрбиялаўда инсанның қәдир-қымбатын қәлиплестириўге бағдарланған методикалық жаңалықлар........ 38
**Асилова Г.А.** Ўзбек тилидан дарсдан ташқари мустақил ишларни ташкил этишнинг мазмуни ва лингвопсихологик жиҳатлари........ 40
**Айтымбетов М.З.** Илмий педагогик ва тарихий манбаларда Қорақалпоғистон мактаблари ривожланиши тарихининг ўрганилиши........ 42
**Қодиров М.М.** Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг педагогик компетентлигини шакллантириш мазмуни ва методи........ 45
**Кудайбергенова Т.** Ҳуқықый әдеп-икрамлылық тәрбия ҳәм оны жетилистириў мәселелери ........ 47
**Мухаммадиев К.Б.** Алломаларнинг жисмоний тарбия, жисмоний етуклик ва соғломлаштиришга оид муҳим қарашлари........ 49
**Сейтенова В.А., Абдреимова Д.К., Мырзамбетова З.Д.** Коммуникативное содержание обучения профессионально-деловому общению ........ 52
**Сейтниязов К.М., Отенов Н.Т., Акбаев Г.** Изучение географических терминов в школьной географии........ 53

**JAS ALI'MLAR MINBERI**

**Ахмедова Н.** Системно-структурный подход к формированию интереса у студентов к художественной культуре Узбекистана на внеаудиторных занятиях ........ 55
**Альджанова Г.А.** Геронтопсихологияда картайыў ҳәм картайғанлықтың үйренилиў мәселелери........ 57
**Аймухаммедова Т.** Диққат етишмаслиги ва гиперактивлиги синдромли болаларда олиб бориладиган коррекцион ишлар ........ 59
**Ашурова З.** «Ўрмондаги зиёфат» асари поэтикаси ҳақида баъзи бир қайдлар ........ 60
**Досходжаева А.** Формирование экологической культуры учащихся в процессе обучения ........ 62
**Dospanov R.A., Jumamuratova SH.** Teaching idioms to students to improve their language level and awareness of the english culture ........ 65
**Есебаев М.** Эпослардың халық тарийхы менен байланысы ҳәм эволюциясы ........ 66
**Хужаниязов У.** Қорақалпоғистон музейлари мустақиллик даври солномасида ........ 68
**Хожиева З.** Национальная специфика языковой картины мира ........ 70
**Қалбаева Г.С.** Әпсаналардың пайда болыў ҳәм қәлиплесиў жоллары ........ 72
**Қосимова Н.Ф.** Тилшуносликда симметрия ва асимметрия тамойиллари ........ 74
**Қосимова О., Утанов У.** Қизларда миллий фазилатларни шакллантиришда маънавий мероснинг ўрни ва аҳамияти...... 77
**Опаева Р.** Ҳәзирги қарақалпақ тилинде бириккен атлықлардың қолланылыўы ........ 79
**Оринбетов Н., Алламуратова Х.** Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасаларида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим жараёнини ташкиллаштириш ........ 81
**Рамазанов М.Б.** Туризмди дене тәрбиясы қуралы сыпатында қолланыў мәселеси ........ 82
**Рустамов Л.Х.** Интеграция непрерывной педагогической практики студентов зарубежных вузов как фактор развития процесса в образование (на материале физкультуры) ........ 84
**Рустамова Н.** Медиа таълим: Моҳияти ва йўналишлари ........ 86
**Умурзоқов Д.Х.** Илк ўспиринларнинг миллий мансублик масаласини ўрганиш улар шахсининг ижтимоий психологик хусусиятларига боғликлиги ........ 88
**Утебаев Т.** Қорақалпоғистонда педагогик фикрлар ривожланиши муаммоларини таълим технологияларида фойдаланиш ........ 91

**ILIM HA'M MA'DENIYATI'MI'Z G'AYRATKERLERI**

**Сейтжанова У.М.** Тюркологияда жаңа бағытқа қойылған қутлы қәдем (М.Қ.Айымбетовтың дөретиўшилик жолы)...... 93